

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди
№ БД- 5140100-3.04

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

2018 йил «26»

05

2018 йил «14» 06

ОДАМ АНАТОМИЯСИ

ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси: 100000 – Гуманитар соҳа
Таълим соҳаси: 140000 - Табiiй фанлар
Таълим йўналиши: 5140100 - Биология

Тошкент – 2018

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил “14” 06 даги “531” –сонли буйруғининг 10 - иловаси билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2018 йил “26” 05 даги 2 - сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Ўзбекистон Миллий университетида ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

С.А. Садикова ЎзМУ биология факультети зоология кафедраси доценти
Л.А. Рахманова ЎзМУ биология факультети зоология кафедраси ўқитувчиси

Тақризчилар:

Кучбаев А.Э ЎзР ФА Зоология институти молекуляр биология лабораторияси мудири б.ф.д., проф.
Кучкарова Л.С. ЎзМУ биология факультети, физиология ва биофизика кафедраси профессори, б.ф.д.
Тошманов Н.Т. Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика институти зоология ва анатомия кафедраси доценти, б.ф.н.

Фаннинг ўқув дастури Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2017 йил «12» 12 даги “2”- сонли баённома).

I. Ўқув фанининг долзарблиги ва олий касбий таълимдаги ўрни

«Одам анатомияси» фани предмети, тарихи, мақсади ва вазифалари. Фаннинг тадқиқот услублари, объекти. “Одам анатомияси” фани одам организми аъзоларини тузилиши, шаклланиши ва ривожланиш қонуниятларини узвийлигини белгиловчи долзарб масалалардан биридир. “Одам анатомияси” фаннинг бошқа фанлар билан боғлиқлиги. Фаннинг тиббиёт муаммоларини ечишдаги тутган ўрни. Одам анатомиясининг биолог мутахассис тайёрлашдаги ўрни.

II. Ўқув фаннинг мақсад ва вазифаси

Фанни ўқитишдан мақсад – талабаларга Одам анатомиядан билимларнинг назарий асосларини, одам танасининг тузилиши, ривожланиши, аъзолари ва тизимларининг функцияларини бир-бирига боғлаб ўрганишдан иборат.

Ушбу мақсадга эришиш учун фан талабаларни назарий билимлар, амалий кўникмалар, барча тизимлари бўйича илмий ёндашиш вазифаларини бажаради.

Фан бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйидаги талаблар қўйилади. **Талаба :**

— одам анатомияси фани билим асослари, аъзолар тузилишини, тизимлар шаклланиши, аъзолар филогенези ва фаолияти тўғрисида **тасаввурга эга бўлиши;**

— одам анатомияси назарий асосларини, тушунчалар, аъзолар ва тизимлар шаклланиши хусусиятларини **билиши ва улардан фойдалана олиши;**

— талаба атласлар, муляж, скелет ва уни суяқларидан фойдаланиб амалиёт дарасларида **амалий кўникмаларига эга бўлиши керак.**

III. Асосий назарий қисм (маъруза машғулотлари)

1- Мавзу. “Одам анатомияси” фанига кириш

“Одам анатомиясини” ривожланиши ва тарихи. Фаннинг мақсад ва вазифалари. “Одам анатомияси” фаннинг бошқа фанлар тизимида тутган ўрни. Фанни ривожланишда Ўзбекистон олимларини кўшган хиссаси. Одам танасини хужайралари, тўқималари, органлари, одамни келиб чиқиши.

2-Мавзу. Остеология

Умумий тавсифи. Анатомияда қабул қилинган ўзбекча ва лотинча атамалардан фойдаланиб, скелет суяқлари билан танишиш. Остеология бўлимлари. Суяк тузилиши, эмбрионал ва филогенетик ривожланиши. Тана

скелети тузилиши. Умуртка суяклари ва суяклар бирикиши. Кўкрак қафаси - тўш суяги, кобургалар тузилиши ва даврий ўзгаришлари. Думғаза тузилиши ва шаклланиши. Елка камарининг суяклари. Ўмров, курак суяги - уларнинг ўзаро бирикиши. Қўлнинг эркин турган бўлимидаги суяклар: елка суяги, биллак ва тирсак суяги. Қўл панжасининг суяклари ва одам анатомиясига хос тарафлари. Оёқнинг эркин турган бўлимидаги суяклар. Оёқ камари суяклари ва уларнинг бирикиши. Оёқ камарини суяклари – тос, яъни чанок суяги - ёнбош, куймич ва ков суяги. Сон суяги. Болдир суяклари. Оёқ панжасининг суяклари. Бош скелети. Калла суяклари - жуфт, тоқ суяклар: энса, пешона, тепа, чакка, понасимон ва галвирсимон суяклари. Мия қисми суяклари. Юз қисми суяклари.

3-Мавзу. Синдесмология

Умумий тавсифи. Суяклар ўзаро бирлашуви. Синартрозлар, диартрозлар ва симфизлар. Гава скелети суякларининг бирикиши. Оёқ ва қўл скелети суякларини бирикиши. Бош скелети суякларини бирикиши.

4-Мавзу. Мниология

Умумий тавсифи. Мускул тўқиманинг филогенези. Мускул тўқиманинг кимёвий таркиби, механик, морфологик тузилиши. Мускуллар морфологик ва физиологик хусусиятларга қараб бўлиниши 1) скелет мускулатуралари, 2) силлик мускуллар, 3) юрак мускулатураси. Фасция, пай, апоневрозлар тузилиши. Синергист ва антогонист мускуллар. Мускуллар шакли. Гавданинг орқа мускулари: трапетциясимон мускул, орқанинг сербарг мускули, ромбсимон мускули, куракни кўтарувчи мускуллар. Кўкрак мускуллари: кўкракни катта ва кичик мускуллари. Корин мускуллари: ташки кийшик мускул, ички кийшик мускул, кўндаланг ва тўғри мускул. Миммика ёки юз мускуллари.

5-Мавзу. Овқат хазм қилиш аъзолари

Умумий тавсифи - тизимни эмбриогенези; бажараладиган вазифаси, органлар топографияси. Оғиз бўшлиғи, тил тузилиши. Доимий ва сут тишлари тузилиши. Сўлак безлари тузилиши. Ҳалқум тузилиши. Қизилўнғач тузилиши. Меъда тузилиши тузилиши. Ингичка ичак ва йўғон ичак тузилиши. Жигар тузилиши, топографияси, ўт пуфағи ва меъда ости бези.

6-Мавзу. Нафас олиш аъзолар тизими

Нафас олиш тизимининг умумий тавсифи. Бурун бўшлиғи ва бурун-ҳалқум тузилиши. Ҳикилдок тузилиши. Трахея тузилиши. Бронхлар тузилиши. Ўпкалар тузилиши. Плевра тузилиши.

7-Мавзу. Сийдик ва таносил аъзолари

Умумий тавсифи. Айриш ва жинсий аъзолар ривожланиши.

Буйраклар тузилиши. Сийдик йўллари тузилиши. Сийдик пуфағи тузилиши. Сийдик чиқариш канали тузилиши тузилиши. Эркаклар ва аёллар жинсий аъзолари: уруғдон, тухумдон, ортиғи, простата бези, бачадон, ташки таносил аъзолари (қин).

8-Мавзу. Эндокрин тизим

Умумий тавсифи. Гипофиз тузилиши ва гормонлари. Қалқонсимон без, эпифиз, буйрак усти безлари, меъда ости безининг инкретор қисми ва жинсий безлар тузилиши.

9-Мавзу. Қон томирлар тизими

Умумий тавсифи. Юрак ва унинг тузилиши. Асосий юрак артерия ва вена томирлари. Қон айланишининг кичик доирасини артерия ва веналари. Қон айланишининг катта доирасини артерия ва веналари. Лимфа системаси-асосий томирлари. Лимфа суюқлиғи ва лимфа тизими вазифаси.

10-Мавзу. Асаб тизими

Умумий тавсифи. Марказий қисми, орқа мия, унинг тузилиши. Бош мия. Узунчоқ, оралик мия, мияча, ўрта ва оралик мия, орқа мия. Асаб тизимининг соматик ва вегетатив асаб тизми. Соматик асаб тизими, иннервация, вегетатив асаб тизими мустақил равишда ишлаб туриши. Эшитиш, кўриш ва сезги аъзолари: Эшитиш аъзолари ташки, ўрта ва ички кулоқлар. Кўз аъзоларидан шох парда, рангдор парда камералари кўз гавҳари, киприкли тана, шишасимон тана, тўр парда, томирли парда, ок парда ва кўриш нерви. Сезги аъзолари тери анализаторлари терининг морфологик ва микроскопик тузилиши, нерв учлари.

(Мазкур фан дастури мисол сифатида келтирилгани учун айрим қисмлари қисқартириб берилган)

IV. Амалий машғулотлар бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотлар учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Тадқиқот усуллари. Анатомик атамалар. Биринчи бўйин умурткаси.
2. Иккинчи ва 3-7 бўйин умурткалари.
3. Кўкрак қафаси суяклари – тўш суяги.

4. Ковурга суяги тузилиши.
 5. Думгаза суяги тузилиши.
 6. Оёк камарининг суяклари - чанок тузилиши.
 7. Елка камарининг суяклари-курак тузилиши.
 8. Қўлнинг эркин турган суяклари – елкасуяги.
 9. Билак ва тирсак суяги тузилиши.
 10. Қўл панжа суяклари тузилиши.
 11. Оёкнинг эркин турган суяклари – сон суяги тузилиши.
 12. Катта ва кичик болдир суяги тузилиши.
 13. Оёк панжа суяклари тузилиши.
 14. Бош скелети – пешона суяги тузилиши.
 15. Энеса суяги тузилиши.
 16. Тепа суяги тузилиши.
 17. Чакка суяклар тузилиши.
 18. Юз қисми суяклари – тепа жағ суяги тузилиши.
 19. Пастки жағ суяги тузилиши.
 20. Мускуллар тизими. Гавда мускуллари: кўкрак, қорин ва орқа мускуллари. Мускулларнинг шакли.
 21. Ички аъзолар тизими. Овқат ҳазм қилиш тизими. Оғиз бўшлиғи, тил, сўлак безлари, тишларнинг тузилиши, кизилўнғач, меъда, ингичка ва йўғон ичаклар.
 22. Нафас олиш аъзолари тизими. Нафас олиш органларининг анатомияси ва (бурин бўшлиғи, кекирдак, трахея, ўпкалар) вазибалари.
- Амалий машғулотлар профессионал тайёргарликнинг муҳим босқичи ҳисобланади ва ҳар бир талаба томонидан алоҳида бажарилади. Амалий машғулот талабадан одам анатомияси фани бўйича олинган назарий билимларни амалий тарзда мустаҳкамлашни, чуқурлаштириб, умумлаштиришни талаб қилади. Бунда талаба аввало бажариладиган амалий машғулот ишининг назарий ва амалий томонини қисқача изоҳлаб беради ва ёзма равишда хулосалар қилинади. Ушбу хулосалар ўқитувчи томонидан оғзаки мулоқот шаклида текширилади.

Изоҳ: Фаннинг ишчи дастурини шакллантириш жараёнида ўқув режада кўрсатилган соатларга мос ҳолда танлаб ўқитилади.

V. Мустақил таълим ва мустақил ишлар

Мустақил иш учун қуйидаги топшириқларни бажариш тавсия этилади:

1. Амалий машғулотларга тайёргарлик.
2. Ички секреция безлари ва уларнинг гормонлари
3. Тери тузилиши ва функцияси
4. Организм иммун системаси
5. Одам эволюцияси

Мустақил ўзлаштириладиган мавзулар бўйича талабалар томонидан рефератлар тайёрлаш ва уни тақдимот қилиш тавсия этилади.

Изоҳ: фаннинг ишчи дастурини шакллантириш жараёнида ўқув режада кўрсатилган соатларга мос ҳолда танлаб ўқитилади. Қўшимча ва ўзгартириш киритиш мумкин

VI. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборат манбалари

Асосий адабиётлар

1. Қодиров Э.Қ. Одам анатомияси. Латин.Тошкент. “Университет”. 2007, 276 бет.
2. Қодиров Э.Қ. Одам анатомияси. Кирил. Chinog ENK; Тошкент, 2003. 220 бет.

Қўшимча адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурагимиз. Тошкент, Ўзбекистон нашриёти, 2017.
2. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Тошкент, Ўзбекистон нашриёти, 2017.
3. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент, Ўзбекистон нашриёти, 2016.
4. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, катъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик- ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондириши бўлиши керак. Тошкент, Ўзбекистон нашриёти, 2017.
5. Мирзиёев Ш.М. 2017–2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантириш ҳаракатлар стратегиясининг бешта устувор йўналиши тўғрисида фармон. Тошкент, Ўзбекистон нашриёти, 2017.
6. Сапин М.Р., Билич Г.Л. Анатомия человека. 1989г., Москва. 543 бет
7. Ахмедов Н.К. АТЛАС. Одам анатомияси. 1-2 том, Тошкент. «Тиббиёт нашри» 1996, 400 бет
8. Курепина М. М., Воккен Г.Г. Анатомия человека. Атлас иллюстрация. М., «Просвещение» 1979.
9. Худойбердиев Р.Э., Ахмедов Н.К. ва бошқалар. Одам анатомияси. Тошкент. Ибн Сино. 1993.
10. Ахмедов Н.К. Одам анатомияси. Тошкент. Медицина. 1987.

Интернет сайтлари

1. www.libmmn.h.15.ru
2. www.cultinfo.ru

3. www.ziynet.uz.
4. www.nuuz.uz.

|